




ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 8 ноябр, шанба № 174 (1599)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 ноябр кўни Оқсаройда Хиндистон ташқи ишлар вазири Яшвант Сингани қабул қилди.

Ташрифингиз Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасидаги муносабатларни жадал ривожлантиришнинг яна бир исботидир, - деди давлатимиз раҳбари учрашувда. Хиндистон ўзининг бой тарихи, маданияти, иқтисодий салоҳияти билан

лиги мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар барқарор ривожланимоқда. Маданият ва таълим соҳаларида ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. 1993 йилда жорий этилган Техникавий-иқтисодий ҳамкор-

лик дастури (АЙТЕК) бўйича шу кунгача Ўзбекистоннинг олти юздан зиёд мутахассиси Хиндистонда малака ошириб қайтди.

Ўзбекистон билан Хиндистоннинг дунёвий муаммолар, айниқса, халқаро террорчилик, диний-сиёсий айирмачилик, гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масала-

ларида ҳам қарашлари ўхшаш.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий, илмий-техникавий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, шунингдек, минтақадаги вазият, халқаро миқёсдаги муаммоларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Кадрли дўстлар! Сизларни 345 минг тонналик юксак пахта хирмони бунёд этиб, йиллик шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Қишлоқ хўжалиги учун ҳар қачонгидан ҳам оғир келган бу йилги мураккаб табиий шароитда сиз, мард ва ориятли, сўзи билан иши бир сурхондарёлик пахтакорларнинг мавжуд қийинчиликларни мardона энгиб қилган фидокорона меҳнатингиз, гайрат-шиқоятингизнинг амалий натижаси бўлган бу улкан муваффақият барчамизни беҳад қувонтиради.

Бу йилги мавсумда сизларнинг пахтачилик билан бир қаторда галла етиштириш бўйича ҳам қўлга киритган катта меҳнат галабангиз замирида авваламбор Сурхон воҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, деқончиликка замонавий технологияларни кенг ва оқилона жорий этиш, одамларда меҳнатга янгича муносабатни, ерга эгаллик туйғусини шакллантириш борасида амалга оширилган ижобий ишларингиз мужассам, десак, аини ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Бугунги ютуққа муносиб ҳисса қўшган Денов ва Сароисий, Жарқўрғон ва Шўрчи, Термиз ва Қумқўрғон туманлари пахтакорларига, Сурхон воҳаси деқончилик мактабининг қадимий шўхратини тиклаш йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай тинимсиз меҳнат қилаётган деҳқон ва фермерлар, ширкат хўжаликлари аъзолари, механизатор ва мухтаassisларга, бутун вилоят ахлига ҳар қанча таҳсин айтсак, арзийди.

Келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, тadbиркорлик ва омилкорлик фазилатларини намoён этиб келаётган сиз, қалби қайноқ Сурхондарё ахлининг бошқа соҳаларда ҳам юксак натижаларга эришиб, йилни ёруғ юз билан яқунлашингизга ишонаман.

Барчангизни бугунги меҳнат зафарингиз билан яна бир бор қутлаб, сизларга сифат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга фойдалу барак тилайман.

Хорманг, ҳамиса омадингизни берсин, ҳеч қачон кам бўлманг, кадрдонларим!

Ислам КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

УЛКАН ХИРМОН БУНЁДКОРЛАРИ

Бу муваффақиятни сурхон воҳасининг пахтакорлари ортиқча қуттишди. Қадокўл деҳқонлар қолоқликка чек қўйиб, йилни ёруғ юз билан яқунлаш учун матонат кўрсатиб ишладилар. Пудратчилар, фермерлар, йигим-теримда иштирок этган барча меҳнатчилар дақиқалар қадрига етиб, улкан хирмонга муносиб улуш қўшиш орузида бўлишди. Илзаниш, омилкорлик, муҳим ишда ялли сафарбарликни таъминлаш муваффақияти омилига айланди. Сурхондарё пахтакорлари ниҳоят зафар қучдилар.

Меҳнат муносиб тақдирланганлиги, иш ҳақи ҳар беш кунда бериб бориладиганлиги одамлар кайфиятига кайфият қўшиди, сурбат бўшамади. Пахта майдонларининг 4752 гектарига чигит қайта-қайта экилганлигига қарамай, гектар ҳосилдорлиги 32 центнерни ташкил этди.



Воҳанинг катта меҳнат галабасида Сароисий, Бойсун, Олтинсой, Денов туманлари меҳнатчиларининг салмоқли улуши бор. Мавсум ўз қаҳрамонларини яратди. Қизилқилмик Икром Норбўтаев, деновлик Аҳмад Нарзуллаев, Караматулла Хасанов, шўрчилик Алишер Шерматов каби ўнлаб фермерлар мўл, арзон ва сифатли ҳосил тайёрлашда барчага намуна бўлдилар.

Олтинсой тумани пахтакорлари 3970 гектар майдонга чигит қадаб, 12500 тонналик хирмон яратдилар. Бунга «Алпомыш», «Шакарқамыш», «Пахтакор» каби ширкат хўжалиқларининг заршунослири аризилиқ улуш қўшилди. Касаба уюшмалари Вазирилар Маҳкамасининг қарори асосида раиси Жаббор Ибрагимов,

Термиз тумани хўжалиқларида қўллаб таърибадорлар меҳнат қилишди. Улар ёнгирқалик сероб бўлишига қарамай агротехник тадбирларни вақтида оби-тобида амалга оширдилар. Ўғит ва нуридан унумли фойдаланилди. Илғор таърибдорлар кенг оммалаштирилганлиги пахта далаларида баракали ҳосил тўпланишининг асосий омилларидан бири бўлди. Хал қилувчи паллада айниқса «Дўстлик», «Халқобод», «Янгиарик» ширкат хўжалиқларининг пахтакорлари сурбат отига қамчи босиб, барчани зафар марраси сари руҳлантирдилар. Буларнинг ҳаммаси мавсум муваффақиятини таъминлади.

Р.ДАВЛОНОВ, А.ЯРЕКОВ, «Ишонч» мухбирлари

Ўзбекистон Конституцияси ҳаётимизнинг Асосий Қонуни

Конституциямиз, қарийб ўн йилларки, ҳалқимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлиги ва таракқиёт учун асосий омил сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Бош Қомуснинг 37-моддасида - ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишисизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир, деб белгилаб қўйилган бўлса, унинг 38-моддасида эса - ёлларни ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эга эканлиги, иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланиши эътироф этилган. Асосий қонунимизда белгиланган иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар касаба уюшмалар фаолияти билан узвий боғланган меъёрлардир. Юқорида кайд этилган шарафли вазифаларни ҳал қилишда бошқа жамоат ташкилотлари қатори касаба уюшмаларининг ҳам ўз ўрни, вазифаси ва масъулияти бор. Зеро, Қомусимизнинг 59-моддасида таъкидланганидек, касаба уюшмалари олдида ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли вазифа қўйилган.

Белгилаб қўйилган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ва Меҳнат Кодексида мустаҳкамланган меъёрларни шерикчилик тамойили асосида амалга яраш жорий этишнинг асосий омилларидан бири шунингдек, бу тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларидир. Аввало, келишув ва шартномаларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари, меъёрлари ва тегишли тавсияларга риоя қилинган ҳолда тузилиши, уларда ҳар бир тармоқ, қорхонада ташкилот тараққиётига, меҳнат жамоаларининг манфаатларига хизмат қилувчи шунингдек, «иш берувчи» ва «ёлланма ишчи» учун

пенсияларга устамалар тўлаш, ҳодимлар фарзандларининг олий ўқув юртлирида ўқиш харажатларини қоплаш, бола тарбияси учун таътилга чиқаётган аёлларга моддий ёрдам бериш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Тавқидлаш жоизки, бунда ҳомиладор аёллар, балоғат

ни кучайтириш. Бугунги кунда касаба уюшма Марказий қўмитаси билан тегишли тармоқлар ўртасида тузилган 6 та тармоқ келишувига мувофиқ юридик шахс мақомига эга бўлган 352 та қорхонада жамоа шартномалари тузилган бўлиб, улар 445 та бошланғич ташкилотларга нисбатан таътиб этилган. Яъни, барча қорхона ва ташкилотларимиз жамоа шартномалари билан тўлиқ қамраб олинган.

Жамоа шартномалари орқали ҳар бир ҳодимнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун сарфланган маблағлар кейинги уч йил ичида қарийб 3 баробарга ошди ва 267 минг сўмни ташкил қилди. Келишувлар ва жамоа шартномаларига киритилган таътибларнинг асосан бажарилишига эришилди. Дастлабки таҳлиллар бу борадаги кўрсаткичлар даражаси бу йил яқуни бўйича ҳам сақланиб қолганини кўрсатмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир касаба уюшма аъзоси жамоа шартномалари орқали ҳар йили ўзининг йиллик аъзолик бадалларига нисбатан 15-20 баробар ортиқ моддий манфаат кўрмоқда.

Ўз навбатида тегишли тармоқлар ва хўжалик органлари билан ҳамкорликда меҳнатга қадар ҳақ тўлаш тизимини тақомиллаштириш ва унинг рағбатлантирувчи родини кучайтириш, иш ҳақининг кафолатланган қисми, яъни тариф қисминини ошириш, энг кам иш ҳақи микдорини ошириб бориш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, нефт-газ, энергетика ва кимё санoати бўйича энг кам иш ҳақи микдори бугунги кунга келиб Республикада белгиланган микдордан 3-4 баробар ортиқ бўлишига эришилди. Уртача ойлик иш ҳақи эса 70-80 минг сўмни ташкил қилди.

«Ишлаб чиқаришда меҳнат қонунчилигига риоя қилишустидан жамоатчилик назорати»

(Давоми 2-бетда)

АЛЛО, ЗАРАФШОНМИ?..

Жанубий Кореянинг «ДЭУ Юнител» компанияси Қизилқум санoатчилари ва чорвадорларига ҳам хизмат кўрсатишни бошлади.

Навоий шаҳридан сўнг Зарафшонда компаниянинг уяли телефон алоқа хизмати ишга тушди. Ҳозирнинг ўзида абонентлар сони юздан ошиб кетди. Зарафшонликлар дунёнинг исталган нуқтасига сим қоқиш имконига эга бўлди. Энг муҳими, уяли телефон алоқасига уланш бепул. «Навотел» шўба қорхонаси бир йил илгари иш бошлаган бўлса-да, икки мингдан зиёд абонент ишончини қозонишга муваффақ бўлди.

(ЎЗА)

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ЕВРОПА БИЛАН МУЛОҚОТ

Кўни кеча абадий шаҳар деб аталмиш Италия пойтахти Римда катта саммит очилди. Унда олий даражадаги сийбас ва давлат арбоблари иштирок этдилар. Мазкур анжумани шартли равишда Европа билан мулоқот, деб аташ мумкин.

АНЪАНАВИЙ БАЙРАМНИНГ ЯНГИЧА РУҲИ

Чехлар ва словаклар ўз давлатларининг таваллуд топган кунларини 85-мартда нишонладилар. Гап шундаки, Чехия ва Словакия ўртасидаги мазкур анъанавий дўстлик байрами биринчи ҳаҳон урушидан сўнг туғилган эди. XX аср охиридан ушбу икки давлат алоҳида-алоҳида бўлиб кетишган бўлса ҳам ўртадаги самимий муносабатлар

САЙЛОВДАН КЕЙИНГИ НОХУШЛИКЛАР

Грузияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Аммо унинг натижалари ханузгача эълон қилинмади. Шу боис муҳолифат Президент Эдуард Шеварднадзедан «Янги Грузия учун» блокнинг муваффақиятсизликка учраганини тан олиш ва ис-тотфога қийинчи талаб қилиб, ултиматум топширдилар. Лекин баъзи маълумотларга қараганда «Янги Грузия учун» блокни аҳолининг 23,4 фоизи овоз берган. «Миллий ҳаракат» партияси иккинчи ўринда турди. Унинг тарафдорлари сайловда қатор қонунбузилишларга йўл қўйилганлигини таъкидламоқдалар. Овоз беришни қузатган халқаро вакиллар эса мазкур сайлов халқаро мезонларга тўғри келмайди, лекин аввалгиларига қараганда бир қадам олға силжиш бўлди, деб ҳисобламоқда.

МАНА БУНИ КЎПРИК ДЕСА БЎЛАДИ

Португалия пойтахти Лиссабонда Европадаги энг катта кўприк фойдаланишга топширилди. Васко да Гама номи берилган мазкур иншо-

отнинг узунлиги 18 километрдыр. Тақдироти муносиб нишонлаш мақсадида пойтахт мазкурларни катта харажат қилдилар, кўприкнинг у бошидан бу бошигача 15 минг кишилик байрам дастурхони безатилди. Боз устига меҳмонларни ўз ўринди-ларига олиб келадиغان 200 та автобус ажратилди, деб ёзди «Экспрессен» газетаси.

ОФАРИН, МОМОЖОН!

Глория Левандовски АҚШнинг Айова штатида истикомат қилади. У бу дунёдан армонда кетмоқчи эмас. Гап шундаки, у анчадан бери автоулов ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш иштиёқида уриниб юрибди. Момонинг ёши деярли 85 га яқинлашиб қолган. У яқинда имтиҳон топширишга яна бир бор уриниб кўрди. Момо сўнги бурилиш қиламан деб, назорат чизигидан 35 метр ўтиб кетди ва автомобили билан соҳилдаги тўсиқни йиқитиб, сувга ағдарилиб тушди. Шўкрки, Левандовски ва унинг ёнида ўтирган инструктор азият чекамдилар. Шу тарихида момо еттинчи марта ҳам муваффақиятсизликка учради. «Чи-каго сан» газетасининг ёзишича, момо шу кунларда «барибир мен галаба қиламан, гувоҳнома оламан», деб юрган эмиш.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ИШЧИ ҚАДРЛАНСА

суръат ва сифат таъминланади

Олтин қузнинг бебаҳо дамлари ўтиб бормоқда. Кундаги кунлар қадрига етиб, даладаги ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиш бободехонларнинг бирдан-бир нияти. Кейта ишлаш корхоналарида эса иш мароми ошгандан ошиб бораётир. Жондор пахта тозалаш заводида бўлганимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Корхонага киреверишдаги йўл ёқасида дид билан ўтказилган тераклар буй чўзиб, куз шамолда шовуллайди. Шитирлаб пахта шўнгитган заъфарон барглари кўёш ёғдуларида тиллодек ялтиради. Табиатнинг киши қалбига илиқлик, ором бағишловчи мўъжизакор кудратига тан бериб, қайноқ меҳнат мароми ҳўкрон бўлган масканга йўналдик.

Дарвозадан киреверишда иккита ўлчов тарозиси ўрнатилган бўлиб, улардан бири фермер, иккинчиси эса ширкат хўжаликларида келтирилган хомашёни ўлчашга мўлжалланган.

Ишларимиз анча жадал бормоқда, — дейди Навоий номли ширкат хўжалиги механизатори Бахтиёр Рамазонов. — Келтирилган хомашё пешма-пеш ўлчаб олинмоқда. Бугунги 5,5 тонналик хирмон бизни юз билан юзлаштирди. Ҳосил чўғи анча баланд, 50 центнердан кам бўлмайди.

Тахлилхона мудири Комил Музаффаров ҳамда лаборант Бобомурод Шуқуровлар қабул қилиб олинган пахтанинг сифати билан боғлиқ маълумотларни тақдим этишди. Яқуний хулосаларга эътирозлар бўлмади.

Кўз очиб юмгунча ўлчови аниқланиб, сифат кўрсаткичлари маълум бўлган хомашё корхона ҳўзуридаги пахта қабул қилиш маскани

томон йўналтирилди.

Шу кунги ёнгин хавфсизлиги бўлинимаси ҳодимлари келишган экан. Корхона ҳудудида жойлашган 6 та ҳовуз ҳам сув билан тўлдирилган. 1 та ўт ўчириш машинаси соз холда турганлиги уларда қониқиш уйғотди. Бу Аваз Туробов бошчилигидаги кўнгилли ўт ўчириш гуруҳи аъзоларининг доимий назорат ишларига берилган ўзига яраша баҳо эди.

— Мавсум кўтаринки руҳда бошланди. Бунда 2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳўкумат қарори жуда қўл келмоқда. Сифат-умумий иш-ишнинг кўзгусига айланди. Топширилган пахта хомашёси учун ҳисоб-китоб ишларини ҳар 5 кунликда амалга оширишга эришяямиз. Ҳозирга қадар 35 минг тоннадан ортиқ сифатли пахта ҳосили қабул қилиб олинди. Бу режадаги хомашёнинг деярли ундан икки қисмига тенгдир.

Жамоамизда меҳнат интизомини кучайтиришга, нобудгарчилик ва талон-торожга йўл қўймасликка эътиборни қаратиш билан бирга ишчи-хизматчиларга ғамхўрлик қилишни ҳам унутганимиз йўқ. Мавсум арафасида ёғ, ун маҳсулотлари тарқатилди. Шароитга қараб кунига 3 маҳал бепул иссиқ овқат тайёрлашни йўлга қўйдик. Тиббий хизмат кўрсатиш хоналари, кутубхона иш-

лаб турибди. Натижа ҳам шунга яраша бўлаётир. Яратилаётган қулайлик ва ғамхўрликларга жавобан иш суръати ва қўлаи тобора ошиб бормоқда. Кунига 300 тоннадан ортиқ пахта қайта ишланаётир. Толамин харид қилиш истагида бўлганлар ҳам оз эмас, — дейди корхона касабаси уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Самиев биз билан суҳбатда.

Касаба кўмитаси жойлашган хонада 2004 йилги нашлашга обуна билан фаоллар жиддий шуғулланаётганлигидан воқиф бўлдик.

— Жамоа шартномаси талабларига оғишмай амал қилиш эвазига жамоа ишончи ва ҳўрматыни қозонаялмиз, — дейди сўзини давом эттириб касаба кўмитаси раиси. — Йилнинг ўтган даврида кўп болали, кам таъминланган оила вакилларига маъмурият ҳисобидан 1,4 миллион сўмлик, касаба уюшма бадаллари ҳисобидан 200 минг сўмга яқин моддий ёрдам уюштирилди. Салкам 10 миллион сўмлик махсус кийим-бош олиб берилди.

Корхонада ҳар чоракда 350 минг сўмлик дори-дармон олинди. Биргина иссиқ овқат учун ойга 1,2 миллион сўм маблағ сарфланаётир. Кейинги 2 йилда замонавий тиббий асбоб-ускуналар харид қилиш учун 2 миллион сўмдан ошмиқ маблағ сарфланди. Айрим беморлар корхона ҳўзуридаги кундузи даволаш масканида даволанишни маълум кўришмоқда.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» муҳбири



АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

Бекобод тумани пахтакорлари машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш учун бор имкониятни ишга солмоқдалар. Уларга тумандаги корхона ва ташкилотларнинг ишчилари, ўқув юртларининг талабалари яқиндан ёрдам беришаётир.

«Далварзин» маиший хизмат касб-ҳўнар коллежи талабалари ҳам бу умумхалқ ҳашаридан четда қолмапти. Билим даргоҳининг талабалари туманининг «Авангард» ва Ойбек номли ширкат хўжалиги пахтакорларига кўмаклашмоқдалар. Уларнинг унумли иш-лашлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Иш ҳақлари ҳар беш кунда бериб бориляпти.

— Теримда 200 нафар талаба иштирок этапти, — дейди коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Зафар Тошўжаев. — Хирмонга кунига 8-9 тоннадан пахта териб топширялмиз. Талабаларимиз ўртача 50 килограмдан пахта теришга эришяптилар. Айниқса, Камол Султонов, Насиба Эржигитова, Анвар Ақромов, Умид Отабоев, Умида Жўрабоева, Назоқат Алиқуловларнинг ҳар бири кунига 80-90 килограмдан пахта топшириб, пешкадамлик қилишмоқда.

Т.ҲАЙДАРОВ

МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР



Қорақалпоғистонлик пахтакорлар қузнинг ҳар бир кунини ғанимат билиб, даладаги ҳосилнинг сўнги мисқолигача йиғиштириб олиш ишларини қизгин олиб боришяпти.

Амударё туманидаги «Оқолтин» ширкат хўжалигида буни яққол кўриш мумкин. Ширкатнинг 5-бош пудратчиси Тўлибой Отахонов етакчи бўлган 73 гектарлик далаларда бу йил юқори ҳосил етиштирилди. Шартнома режаси бажарилиш арафасида.

Суратларда: касаба уюшма кўмитаси раиси Жаббор Юсупов (ўртада), бош пудратчи Тўлибой Отахонов ва теримчи Тозагул Абдиевалар.

Бўлимнинг илғор ижарачиси Тозагул Жўмамуродова.

Ширкатнинг 5-бош пудрат ижарачилари Ўғилжон Нуричбетова ва Замира Сафарбоеваларга беш кунлик терим ҳақи берилаётган пайт.

Б.ЭРНАФАСОВ
олган суратлар

ТЕЖАМКОРЛИККА ЭЪТИБОР

Мамлакатимиз табиий захираларга бой ўлка. Сув, газ, электр энергияси ва бошқа ресурслар аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир. Бу бебаҳо бойликдан тежаб-тергаб фойдаланиш табиат билан инсон ўртасидаги мувозанатни таъминлаши шубҳасиз.

Шу мақсадда аҳоли хонадонлари ва ишлаб чиқариш объектларида сув, газ, электр энергияси ҳисоблагичларидан кенг қўлланиляпти. Вақт ўтган сайин бундай қўрилмалар самардорлигини янада ошириш, уларни тақомиллаштиришга эътиёрт ортамоқда.

«Узстандарт» агентлигида ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирокида ўтган анжуманда шу ҳақда сўз борди.

Электр энергияси, газ ва сув ўлчаш қўрилмаларини метрологик аттестациялаш, ўлчаш мосламаларидан тўғри фойдаланишни назорат қилувчи мутахассислар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЖИЗЗАХ - СПОРТ ВИЛОЯТИ

Мамлакатимиздаги футбол мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ўртасида футбол бўйича республика биринчилигининг финал уйинлари бошланди. Саралаш учрашувларида голиб чиққан 16 жамоа Жиззах марказий стадионига ўзаро куч синашмоқда.

Жиззахда республика миқёсидаги мусобақалар тез-тез ўтказилмоқда. Шу йилнинг ўзида ана шундай 18 мусобақа бўлиб ўтди. Чунки вилоятда бунинг учун барча имконият мавжуд. Айниқса, болалар футболини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Йил бошидан буён Бахмал туманида беш минг ўринли, Дўстликда икки минг ўринли стадион барпо этилди. Мирзачўл, Фориш, Пахтакор туманларидаги стадионлар қайта таъмирланди.

(ЎЗА)

Хатлар таҳлили

КЕНГАШГА ШИКОЯТ ТУШДИ

Ҳозирги даврда меҳнатқашларни ҳўқуқий ҳимоялаш касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Бунда Меҳнат Кодекси, «Фўкарларнинг мурожатлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг шунга дахлдор Низоми асосида фаолият юритилмоқда. Иш берувчи ва касаба уюшма фаолларига юқоридаги Қонунларнинг моҳиятини тушунириш бўйича Оқдари, Каттакўрғон, Пастдарғом туманларида, Самарқанд шаҳридаги йирик корхоналарда бир қанча семинар-ўқувлар ўтказилди. Вилоятда фўкарларнинг меҳнат қилиш ва мурожат қилиш ҳўқуқларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар аҳолидан қониқиш мумкин. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилотлари ўз вазифаларини қўнун доирасида уқдаламоқда.

Лекин қўнун бузилиш ҳоллари

мавжудлиги ҳам сир эмас. Айни шунинг учун ҳам шикоят ёзилди. Ўтган бир йил мобайнида вилоят касаба уюшмалари кенгашига меҳнатқашлар 3644 марта мурожат қилишган. Аризаларнинг аксарияти ҳодимлар билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари ҳараёнида келиб чиққан ҳолатлар билан боғлиқ. Яъни, ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, интизомий жазо чорасини қўллаш асосида қўнун талаблари бузилишига доирдир. Мурожатларда кўтарилган масалалар касаба уюшмалари томонидан одилона ҳал этилган. Шу даврда ишдан ғайриқўнуний бўшатилган 91 киши ўз ишига қайта тикланди.

Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти, иккиламчи қора метални қайта ишлаш корхонаси, «Жўма пахта заводи», Пастдарғом халқ таълими бўлимида ҳодимлар билан меҳнат муносабатларида иш берувчи томонидан

жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Энг ачинарлиси, айрим касаба уюшма кўмитасининг раҳбарлари ҳам ўз ҳодимларига нисбатан қўнун бузилишларини содир этишмоқда.

Мантаник иш берувчи ҳар қандай вазиятда ўз сўзини, ғосияни ўқатиш ҳаракатида бўлади. Ана шу вазиятда қўнунийликни таъминлаш масъулияти касаба уюшмалари зиммасига тушади. Афсуски, айрим жойларда бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг етакчилари ўз ваколатларидан фойдалана олишмаяпти. Айрим ҳолларда айнан касаба уюшма ташкилотларидаги ташкилий масалаларнинг Устав талаблари даражасида ўтказилмаганлиги жойларда ҳодимларнинг ҳўқуқлари бузилишига имкон бермоқда. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши мана шунини ҳисобга олиб қўйи ташкилотларга ташкилий-ҳўқуқий ёрдам бериш тадбирларини ишлаб чиқди.

А.САИМОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳўқуқшуноси

Қонун барча учун баробар

Корхона молия-ҳўжалик фаолиятида камчиликларга йўл қўйилганлиги учун жарима тўлади. Аммо, у кимнинг ҳисобидан ундирилди? Албатта, ташкилотдан. Демак, ишчиларнинг меҳнати ҳисобига топилган маблағ корхона раҳбари ва бош ҳисобчининг лоқайдлиги туғайли қамомадни қоплашга кетади.

Давлат солиқ инспекцияси томонидан Чирокчи туманидаги 62 та корхонанинг 517 миллион 100 минг сўмлик боқиманда қарзларини ундириш юзасидан уларнинг мол-мулкига қаратиш бўйича талабномалар берилди. Шундан 41 ташкилот 360 миллион 500 минг сўмлик қарзини ихтиёрий равишда тўлади. Бирок, 21 та корхона талабномаларни жавобсиз қолдирди. — Натижада ҳўжалик суди қарори билан 360 миллион 5 минг сўмлик қарз ташкилотнинг мол-мулкидан ундирилади бўлди. Шунга қарамадан, ишда жиддий силжиш бўлмапти. Солиқлар ўз вақтида тўланмаганлиги боис юзага келган боқиманда қарзлар миқдори оз эмас.

Ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда ўтказилган текширишларда яширин иқтисодиёт билан шуғулланиш, иккиламчи бухгалтерия юритилиши ҳоллари аниқланди. Масалан, тумандаги «Ширин» хўсусий савдо фирмаси-

шоҳобчасида ҳам 2427 литр бензин маҳсулоти 5 миллион 766,4 минг сўмга сотилиб, тушум пуллари банкка ўз вақтида топширилмаганлиги аниқланди. «Рўстамбек» хўсусий дўконида эса 3 миллион 792 минг сўмлик савдо пуллари банкка топширилмаган ва амалга оширилган 8 миллион 700 минг сўмлик товар

ти-давлат муҳофазасида. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари қўнунда белгиланган талаблар даражасида иш юритилари лозим. Бирок, «Пахтакор» жамоа ширкат хўжалигининг Ҳўжабади-жаббор қишлоғида яшовчи Манзура Темирова ўз уйда қўлбола мойжувоз ва пахта титиш цехи очиб, фаолият кўрсатаётганлиги фойдаланди. Ундан 810 килограмм чигит, 47 килограмм чигитли пахта, 30 килограмм пахта толаси, 20 килограмм ўсимлик ёғи ва бошқа асбоб-ускуналар далилий ашё сифатида олинди, ҳўжжатлар солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бошқармаси ихтиёрига юборилди.

Мутасадди ташкилотлардан рўйхатдан ўтмасдан ишлаб келган 129 нафар сохта «тадбиркор»ларнинг ноқўнуний фаолиятига чек қўйилди ҳамда улардан 793 минг сўм маъмурий жарима ундирилди. Чирокчи иқтисодиёти ривожланиб бораётган туманлардан ҳисобланади. Маҳаллий бюджетга тушаётган маблағларни қўлайтириш, солиқ қонунчилигини мустақамлаш туман иқтисодиёти тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши тайин.

Иззат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

«Ишонч» фойш этади

Кейинги йилларда Наманган вилоятида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тўбдан яхшиланди. Шаҳар ва туманларда ҳамда қишлоқларда кўплаб янги касалхоналар, врачлик пунктлари, тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Улар энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланди.

Биргина Наманган шаҳрини олайлик. Ҳозир бу ерда ўнлаб шифохоналар, бошқа соғломлаштириш тармоқлари фаолият кўрсатяпти. «Гўзал» кўп тармоқли тиббиёт маркази бугунги кунда мамлакатимиздаги шу йўналишдаги шохобчалардан бирига айланган. Шойилин тиббий ёрдам кўрсатиш шифохонаси сўнги икки-уч йилда бутунлай қайта таъмирланиб, янгича қиёфага кирди. Қатор поликлиника, амбулатория ва шифохоналар ҳам қайта таъмирланиб, ўринлар сонини кўпайтирилди. Ҳўш, ушбу муассасаларда ишлаётган беморлар дардини енгилаштираётган ҳодимлар қандай яшаляпти? Улар унумли меҳнат қилишлари учун яратиб берилаётган шарт-шароит етарли даражадами?

Текширишлар шунини кўрсатмоқдаки, меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш масаласи талаб даражасида эмас. Мисолларга мурожат қиламиз. Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Чўст туманлари марказий шифохоналари, вилоят болалар шифохонаси, вилоят болалар сил касаликларини санаторийсидаги юқори босимда ишлайдиган автоклавлар синовдан ўтказилмаган. Тўрақўрғон тумани марказий шифохонаси, вилоят кўп соҳали болалар шифохонаси стерилизация бўлимида ишловчи ҳодимларнинг гувоҳномалари йўқ. Клиник лабораторияларда ҳаво торттиш шакафлари ўрна тилмаган, борлари ҳам носоз. Текширилган муассасаларнинг барчасида кир ювиш бўлимлари капитал таъмирлашга муҳтож. Хонадан фойдаланиш учун тегишли далолатномалар тузилмаган. Оғир кирларни ташлаш учун махсус аравалар ташкил этилмаган. Ҳодимларни махсус кийим ва пойфазал билан таъминлаш учун маблағ ажратилмаган. Норин ва Мингбулоқ туманларида бу мақсад учун ҳеч қан-

дай маблағ сарфланмаган. Рентген бўлиmlарининг техник паспортлари юритилмаган, оғохлантурувчи чироқлар ишламайди. Тузилган жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси масалалари кенг қамраб олинмаган, бу борода келишувлар йўқ. Оқибатда шу йўналишда 2002 йилда учта, жорий йилнинг би-

ассасаларида ҳўқуқшуносларнинг йўқлиги сабабли ҳам турли қўнунбузарликлар келиб чиқмоқда: Масалан, Поп туман Янгибод қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Саида Эрматова боласи 3 ёшга тўлгунга қадар қисман тўланмаган таътилдан қайтган, фақат 0,5 ставка миқдориди иш билан таъминланган. Наманган шаҳар кўп соҳали шифохона фарроши П.Тўраевага эса меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик бўйича нафақа тўланмаган. Маълумки, жамяти-мизда аёллар ҳақ-

ҚАНДАЙ ЯШАЯПСАН, ШИФОКОРИМ?

ринчи ярмида 2 та бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Юқоридаги содир бўлган бахтсиз ҳодисаларда жаб-рланувчиларга пул тўлаш чоғида қўнунбузарликларга йўл қўйилмаганлиги кузатилди. Масалан, Уйчи туман марказий шифохонасида 12 ёшгача иккита ва ундан ортиқ боласи бор аёлларга меҳнат таътилига 3 кун қўшиб берилмапти. Ўрганиб чиқилган шифохоналардан бирортасида 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларга ижтимоий сўғурта жамғармасидан бир ойда бир марта ҳақ тўланадиган қўшимча, дам олиш кўни берилаётгани йўқ. Вилоятда спорт кенг ривожланаётганлиги, бу йўналишда катта маблағлар сарфланаётганлиги қарамадан жисмоний тарбия ва спорт учун Учқўрғон туманида 10 фойз, Норин туманида 8 фойз, вилоят болалар шифохонасида, вилоят болалар сил касаликларини санаторийсида, вилоят «Парда Турсун» санаторийсида бу мақсад учун бирор сўм ҳаражат қилинмаган.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Саломатлигимиз ҳимоячилари — тиббиёт ҳодимларининг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитни яратиб бериш биринчи навбатдаги вазифа бўлмоғи лозим.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



Ён дафтарингизга

Сукутда хикмат кўп. Булутда — химмат.

(Мақол)

Бутун мусулмон оламида рамазон ойи ҳар жиҳатдан тийилиш фасли ҳисобланади. Ўз «мен»лигиндан устун туриш ҳиссида тарбия топган мусулмон халқлари бу муборака ойда нафақат нафси, балки бошқа кўп нарсалар билан бир қаторда тили ҳам тийиш зарурлигини яхши билдилар. Тили тиймоқ одобларига бақириб-чақирмаслик, сўз орқали бировнинг дилини

си билан боғлиқ ҳолда сукут бир қатор муомалавий мазмун ифода этиши мумкин экан. Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикоясидан олинган куйидаги парчада индамаслик аразлаш, хафа бўлиш мазмунларини ифода этади: «—Мушак, — деди Туробжон, — Муллажон қозининг боғида. Муллажон қози беш тўйи қилган. Хотин индамади. — Шаҳардан тўралар ҳам

эканлигига тез-тез иқдор бўлиб тураимиз. Муҳтарам муштарийларимизга мавзунимизга оид бир ҳаётий воқеани ҳикоя қилиб бериш орқали бир сўз демасдан ҳам унча-мунча галдан кўпроқ фикр ифодалаш мумкинлигини яхшироқ тасаввур эттиришга ҳаракат қиламиз.

60-йилларда Риштон туманидаги жамоа хўжаликларидан бирида Имомназар ака Мавлонов деган эл-юрт ўртасида обрў қозонган киши узоқ йиллар раислик қилган экан. Ўта камгаплик-гидан «индамас раис» номи билан шу кишининг хузурига бир кун бригадда бошлиғи кўрт уруги олишдан бош тортаётган бир кишини бошлаб қирибди ва раисдан унга пўлиса қилиб қўйишни илтимос қилибди. Аммо бу пайтда ёзув-чизув ишлари билан машғул бўлган раис «айбдор»га бир оғиз ҳам сўз айтмади.

индамасдан индашни биласизми? оғритмаслик ва энг муҳими, гапириш зарур бўлмаган пайтда сукут қилишлик қабилар қиради. Алоқа — аразлашувда хатто сукут (жим туриш, гапирмаслик) ҳам ҳолисони восита сифатида иштирок этади ва ўзига хос муомалавий мазмун ифодалайди. Кузатишлардан маълум бўлишича, кўпгина халқларда муомала жараёнидаги сукут бир-бирига яқин мазмун ифода этар экан. Жумладан, ўзбекларнинг «Сукут — аломати ризо», деган гапи русларнинг «Молчание — знак согласия», деган гапи билан айнан мос келса, немислар нутқида қўлланган «Жавоб бермасликнинг ўзи жавобдир» мазмунидagi гап «Аҳмоққа жавоб — сукут» деган ўзбек халқ мақоли мазмунига айна мос келади. Аммо «сўзининг ҳақиқий ҳаётий мати ичида» (А.А.Потебня) бўлган каби, сукутнинг ҳақиқий мазмун ҳам табиий муомала жараёнида аниқ билинади.

Езувчи Тилаволди Жўраевнинг «Шароит» ҳикоясидан олинган куйидаги жумлаларда сукутнинг муомалавий мазмун турлари беихтиёр санаб ўтилади: «...Машинада алланечук сукунат зоҳир эди. Бу асло араз, гина, ўпка, таъна, маломат сукоти эмасди. Бу сукут — роз сукоти эди...» Кўринадики, вазият тақозо-

чиққан, — деди Туробжон яна. Хотин яна индамади...» Чунки бу пайтда Туробжоннинг бошқорони хотини ҳеч бўлмаса бир донагина анор топиб келолмаган эридан ва замона зайлидан хафа. Унинг бу пайтдаги ҳолатини ҳеч қандай сўз билан ифода этиб бўлмайди. Шунинг учун бошқорони хотин ўз киши изтиробларини фақат индамаслик орқалигина изҳор қилади.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидан келтирилган куйидаги парчада эса сукутнинг таҳқирлаш мазмун ифода қилишга қўлланган «Молчание — знак согласия», деган гапи билан айнан мос келса, немислар нутқида қўлланган «Жавоб бермасликнинг ўзи жавобдир» мазмунидagi гап «Аҳмоққа жавоб — сукут» деган ўзбек халқ мақоли мазмунига айна мос келади. Аммо «сўзининг ҳақиқий ҳаётий мати ичида» (А.А.Потебня) бўлган каби, сукутнинг ҳақиқий мазмун ҳам табиий муомала жараёнида аниқ билинади.

Нега жавоб бермайсан?!» Ха, «нафратли сукутдан ортиқ хўрловчи жавоб бўлмас» (М.Монтень) ва «баъзан сукут ҳар қандай гапдан ҳам маъноли бўлади» (Ш.Монтень). Дунё донишмандлари томонидан айтылган бу каби пурҳикмат фикрларнинг аҳамиятли томони шундаки, уларнинг ниҳоятда ҳаётий

Сиддик МҲМИНОВ, филология фанлари доктори, профессор

УЧ НАРСА БОРКИ...

Уч нарсга одамнинг гам-гуссасини тарқатади: сув, кўкат ва гўзал юз.

Уч нарсга одамда нафрат уйғотади: кибр, зулм ва бахиллик.

Кишига икки кулок ва бир оғиз кўп эшитиш ва оз гапириш учун берилган

Дур кичик бўлса ҳам, энг буюк қоядан қимматлидир.

Дунё бир отликнинг манзилга ўхшайди: кечани унда ўтказиб, саҳар чикиб кетади.

Сен сени йиллатадиган одамнинг олдида бор, кулдирадиган одамнинг ёнига эмас

Тўрт нарсга борки, уларнинг ози ҳам кўпдир: ўт, касаллик, душман ва бурч.

А.АЛИЕВ тайёрлади

Инсон ҳаёти тарихнинг бир саҳифаси. Унинг қандай тўлдирилиши эса кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ. Ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонларимиз бир қараганда бошқалардан унчалик ҳам ажралиб турмайдилар. Улар бор-йўғи давр билан ҳамнафас яшаб келган, инсон қадар бошқалар оғирини энгил қилишга астойдил бел боғлаган кишилар.

ШАЖАРАНИНГ ТҮРТИНЧИ АВЛОДИ

Паркентлик ака-ука темирчи усталар Шоабдулла ва Шокарим Шоназаровларни нафақат туманда, балки вилоятда ҳам кўпчилик билади, ҳурмат қилади. Негаки, улар кўлида сайқал топган турфа хил уй-рўзгор буюмларини деярли барча хонадон соҳиби-ю, бекалари суёб ишлатишади. Айниқса, Шоабдулла ота ясаган пичоқ, ўроқ, теша каби буюмлар киши эътиборини ўзига тортмасдан қолмайди.

— Сиз ясаган уй-рўзгор буюмларининг бунчалик пишиқ, бежирим, гўзал ва нозиклиги сирини маида? — деб сўрайман отахондан.

— Ота-боболаримиз ақлаковати, куч-қудрати билан яратилган ҳар бир нарсанинг, хоҳ у хунармандчилик, хоҳ миллий зардуштик намунаси бўлсин, барча-барчасининг олдида ҳайратда қолмай илож йўқ. Чунки юксак маҳорат, ақлидор билан бирга меҳр-муҳаббат ҳам қўшилган уларнинг лойига. Ҳа, бирор бир касб-хунарнинг моҳир эгаси бўлиш учун иштиёқ ёки ҳаваснинг ўзи камлик қилади. Ўша касбга нисбатан чексиз садоқат, меҳр ҳам керак...

Устанинг сўзларини тинглар эканман, буюк аждодларимиз томонидан бунёд этилган ҳамда юксак

Миллий хунармандчилик

— Уста, менга шундай бир кескир қилич ясаб бериңки, у хатто занжирни ҳам кессин.

ға бўлиниб кетганига гувоҳ бўлишган. — Ота касбини тутган фарзанд асло кам бўлмайди. — деган нақл бор халқда. Бу ҳикоятда гап кўп экан. Шукри, кам бўлмадим. Нимагаки эришган бўлсам, барчасига шу хунарим, касбим орқали эришдим. Кенжа ўғлим Бунёддон мана бир неча йилдан бери мен билан бирга ишлаб келяпти. Унга хунармандчиликнинг бор сир-синоатини ўргатишга ҳаракат қиламан.




Шоабдулла ота мен билан суҳбатлашар экан, кўллари меҳнатда. Миҳозларга хизмат кўрсатиш билан баробар асосат-ускуналардан фойдаланиш, уларни сақлаш тўғрисидаги маслаҳатларини қанда қилмас, ҳар бирига ширинсуханлик билан мурожаат қилар эди. Отасининг кўз карашлариданок нима демаски эканлигини тушуниб этаётган Бунёд эса гоҳ кўмир чўғларида қизиқ турган темирни мумдай юмшатиб ўз ихтиёрига бўйсундирар, гоҳ босқон олдида, гоҳ чарч олдида ўтдек чакнаб меҳнат қиларди.

Дарвоқе, бу йил 60 баҳорни қаршилаган уста ўзининг бетакор хунари билан одамлар эҳтиромига сазовор бўлиш билан бирга турт ўғил ва турт қизини ўқимлиши, меҳнатсевар ва ақил фарзандлар қилиб тарбиялади. Зотан, 40 дан ортиқ суюмли наваро-ю, эварларнинг бобо-си бўлиши уста буғун ўзига раҳмат келтираётган фарзандларидан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Равшан ЁҚУББОВ

КРОССВОРД



Диагоналар бўйича: 1. Германия автомобили русуи. 2. XIX аср атоқли немис шоири ва публицисти. 3. Ёритқич. 4. Марказий Африкадаги давлат. 7. Муассасани молия ишини олиб борувчи бўлими. 8. Аёллар исми.

13. Қирғизистондаги водийга номдос дарё. 16. Мусика асоби қисми. 21. Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва минтақавий ҳаётида қўлга киритган кўрсаткичлари мажмуи. 22. Усимликнинг энг муҳим қосимча қисми. 24. Тирек организмнинг тузилишига оид фан. 25. Франциядаги шаҳар. 26. Тасвирланган нарсани бўрттириб баён этиш. 27. Табиий ҳазиналарни топиш илми. 28. Ақлининг ўлчови. 29. (мақол) 29. Хашарот. 30. Қимматбахо қоғоз.

Диагоналар бўйича ва бўйига: 7. Шохмат ўйнида оғохлантириш. 8. Мақолдан: Чинор чиримас, ... куримас. 9. Коррея ярим оролидаги пойтахт шаҳар. 10. Ширинлик тури. 11. Қурилма-нинг барча бўлақлари ўрнатилган уларни тутиб турувчи қисми. 12. Саратон ва Сунбула оралигидаги бурж. Бўйига: 14. Жанубий Американинг тропик ҳудудида тарқалган бўғма илонларга мансуб улкан жонивор. 15. Ватанимиз ҳудудидаги сўнгги бронза даври маданиятига мансуб маскан. 17. Серсувлиги ва ҳавзаси майдонининг катталиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда турувчи Фарбий ярим шардаги дарё. 18. Жойдаги горизонтал ва вертикал бурчакларни ўлчашда фойдаланадиган кўчма геодезик асбоб. 19. Дунё томони. 20. Тола ва мой олинадиган экин. 22. Ипак газлама. 23. Марказий Осиёдаги давлат пул бирлиги.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Ўзингизни синаб кўринг

ФУТБОЛ-ТЕСТ

1. Футбол бўйича иккинчи жаҳон чемпионати қаерда ўтказилган?

- A) Франция B) Уругвай C) Италия D) Австралия E) Англия

2. 2002 йил Жаҳон чемпионатида Жанубий Кореяни ярим финалга олиб чиққан мураббий ким?

- A) Франк Райкард B) Шенол Гунет C) Филипп Сколари D) Гусс Хиддинк E) Руди Фёллер

3. 1982 йили Жаҳон чемпионати қаерда ўтказилган?

- A) АЖШ B) Италия C) Испания D) Мексика E) Франция

4. «Петрокампионлар» сўзи қайси терма жамоага нисбатан ишлатилади?

- A) Франция B) Англия C) Бразилия D) Испания E) Камерун

5. «Пахтакор»дан ташқари Осиё чемпионлар кубогига ярим финалга чиққан футбол жамоаси?

- A) «Нефтчи» B) «Насаф» C) «Навбахор» D) «Қизилкум» E) «Дустлик»

6. Миржалол Қосимовнинг биринчи устози ким бўлган?

- A) Леонид Остроушко B) Юрий Господарчук C) Юрий Саркисян D) Сергей Арутюнов E) Баҳром Ҳакимов

7. Европа чемпионлар лигасида қатнашган «Спартак» тарихида дўп сурган ўзбек футболчиси ким?

- A) Максим Шацкий B) Илёс Зейтуллаев C) Жафар Ирисметов D) Темир Фаниев E) Азамат Абдураимов

8. Машҳур футболчи Диего Марадона ҳозир қаерда яшайди?

- A) Франция B) Аргентина C) Италия D) Куба E) Испания

Ним табассум

БАҲОНАИ САБАБ

Эр хотини билан уришиб қолди. Ғазаб ичида жомадона икки-учта куйлакни улоқтирди-да, қичқирди:

— Кетаман! Олисларга, ёввойилар оролига кетаман. Сен билан бир уйда тургандан кўра, ҳар кун жонимни хатарга қўйиб бўлса-да, одамхўрлар билан бирга яшаганим яхши!

У эшикни қарсиллатиб ёпиб, чиқиб кетди, лекин бир неча дақиқадан сўнг қайтиб кирди.

— Омадин бор экан, хотин. Кўчада ёмғир ёғаяпти.

ШИКОЯТ ДАФТАРИ

Турист ресторандан телефон китобини сўради — бир адресни аниқлаб олмакчи эди.

— Афсуски, — деб жавоб берди маъмур, — бизда телефон китоби йўқ. Лекин биз сизга шикоятлар дафтарини беришимиз мумкин — унда деярли бутун шаҳарнинг адреси ёзилган.

БИР ҚУЛТУМ КИФОЯ

Кўчада ҳушидан кетиб йиқилиб ётган бемор теварагига одам тўпланди.

ТУХУМГА ЖО БҮЛГАН КУТУБХОНА

Британиялик заргар Пол Качински 6 минг соат астойдил меҳнат қилиб, олтин тухумнинг атрофи 20 минг дон қимматбахо рангли тошлар билан безатилиб, ичига бир неча жуда кичик китобчалар жойлаштирилди.

Мити китобларнинг варақлари махсус асбоб орқали варақланиб, ўқиш учун эса махсус лупадан фойдаланилади.

Фуқароларни фаёқулдада табиий, техноген ва экологик офатлардан етарли даражада муҳофаза қилиш гоат савобли ишлар сирасига кирди. Бу борада республикамизда фаёқулдада вазиятлар хизмати фаолияти йўлга қўйилган. Сув тошқинлари, кучли сел ва довулар, қангли бўронлар, қор қўчилари каби табиат «ҳазил»ларидан камроқ талофат қўриш, имкон даражада соғ-омон қолишда ушбу хизматнинг ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Айниқса, зилзила дахшатилай вайронгарчиликлар олиб келувчи табиат ҳодисаси ҳисобланади. Зилзила грекчада «сейсмо» дейилиб, ер силкиниши, титраши деган маънони англатади. Ундан асрлар давомида кишилар азият чекиб келишган. Утмишда юртимиз ҳудудида ҳам минглаб зилзилалар руй бергани ҳақида тарихий битиклар бизга маълумот беради. Хўсга, бунга Бухорода 818 йил, Фарғонада 838, 1822, 1829 йиллар, Хоразмда 1208-1209 йиллар, Самарқандда 1490, 1602, 1797-1798 йиллар, Андиқонда 1902 йилда юз берган ер силкинишлари мисол бўла олади. Бундан ташқари, ўтган асрнинг ўзидаёқ ўндан зиёд қокори балли зилзилалардан одамлар талофат қўришган. Биргина 1966 йилги Тошкент зилзиласида 2 миллион квадрат метрдан кўпроқ турар-жой, мингдан ошмиқ маъмурий, маданий ва саноят бинолари, мактаблар, болалар боғчалари вайрон бўлган эди. Унинг оқибатлари ҳали ҳам кўпчиликнинг ёдидан ўчмаган. Жаҳон микёсида олганда Хитойда

ЗИЛЗИЛА ҳақида нима биласиз?

1976 йили юз берган Тянь-Шань зилзиласи ер юзидagi энг катта фалокатлардан ҳисобланади. Унинг тасвирида бутун бир шаҳар турар-жой ва саноят бинолари вайронга айланган. Ёки ўн беш йил бурунги Арманистондаги Спитак шаҳрида юз берган зилзила эса олайлик. Ереван сейсмик станциясининг маълумотларига кўра, зилзиланинг кучи 10 балли ташкил қилиб, қарийб 700 миң аҳоли яшайдиган майдонни эгаллаган эди. Спитак шаҳри ва унинг атрофлари бутунлай вайронга айланган. Умуман ўша зилзиладан 458 та қишлоқ, 21 мингта турар-жой зарар қўрган ва 80 мингта яқин қорамоллар нобуд бўлганди. Энг дахшатлиси, вайронлар орасидан 24390 нафар одамнинг жасади топилган.

Нима, бу табиий фалокат олдида инсон шунчалар қорасизми, ундан қўтилишга оғир, деган савол туғилади. Йўқ, бундай вазиятда ҳар бир одам саросимага тушмасдан, ўзини хотиржам тутта билиши ва зарур эҳтиёт чораларини қўллаши керак бўлади. Афсуски, қанчалик кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилишига қарамастан зилзила содир бўлган жойларда баъзан кишиларнинг ўзини йўқотиб, ноҳуз ҳолатларга тушиб қолиши кузатишмоқда. Энг муҳими, ақл билан иш тутилгандагина фалокат оқибатларини энгилш мумкин. Бу эса биздан ҳамиша катта ирода ва табиий офатга нисбатан хушрўк таллаб қилади.

Муҳиддин ИСОКОВ, Тошкент шаҳар фаёқулдада вазиятлар бошқармаси ходими

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.45.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақдаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.